

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ахроров З.О., Жалилов Ш.

**КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ
МАСАЛАЛАРИ**

РИСОЛА



Самарқанд-2017

Ахроров З.О., Жалилов Ш. Корхоналарда молиявий барқарорликни таъминлаш масалалари. Рисола. – Самарқанд: СамИСИ, 2017. – 27 б.

Такризчилар: Мусаев Р. – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси доценти, и.ф.н.

Мадиев А.А. – “Umed-Yoshlik” МЧЖ директори

Мазкур рисолада иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналар молиявий барқарорлигининг аҳамияти, ҳозирги кундаги ҳолати, корхоналар молиявий барқарорлиги инновацион тараққиёт жараёнларига таъсири, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархини пасайишига таъсир этувчи омилларни корхона молиявий барқарорлигини таъминлашдаги роли, корхоналар молиявий барқарорлигини баҳолаш йўллари кўрсатиб берилган.

Ушбу рисола қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари, магистрантлари, мустақил-изланувчи-тадқиқотчилари, профессор-ўқитувчилари, коллеж ўқитувчилари, молия тизимида фаолият кўрсатаётган мутахассислар учун мўлжалланган.

Рисола “Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасининг 2017 йил 26 январ 6-сонли баённомаси қарори билан тасдиқланган ва чоп этишга тавсия этилган.

Рисола Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ўқув-услугий Кенгашининг 2017 йил 17 феврал 6-сонли баённомаси қарори билан тасдиқланган ва чоп этишга тавсия этилган.

Мундарижа

Кириш.....	4
1. Корхоналарда молиявий барқарорлиг тушунчаси ва моҳияти.....	5
2. Корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашда бюджетлаштиришнинг ўрни.....	6
3. Корхоналар молиявий барқарорлиги инновацион тараққиёт жараёнларига таъсири.....	8
4. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархини пасайишига таъсир этувчи омилларни корхона молиявий барқарорлигини таъминлашдаги роли.....	13
5. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналар молиявий барқарорлигини баҳолаш.....	17
Хулоса.....	24
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	25

Кириш

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар молиявий-иқтисодий фаолияти энг муҳим тавсифи унинг тўловга қобиллиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади. Агар корхона молиявий барқарор, тўловга лаёқатли бўлса, у шу йўлдаги корхоналар олдида инвестициялар жалб қилишда, кредитлар олишда, таъминотчиларни танлашда ва юқори малакали кадрларни жалб қилишда устунликка эга бўлади. Шу билан бирга, у давлат ва жамият олдида низоларни келтириб чиқармайди, шу жумладан, бюджетга солиқларни, ижтимоий жамғармаларга бадалларни, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақларини, акциядорларга дивидентларни ўз вақтида тўлайди, банкка кредитларни қайтариш ва у бўйича фоизларни тўлашни кафолатлайди.

Корхона қанчалик барқарор бўлса, у бозор конъюнктурасининг кутилмаган ўзгаришларига чидамли бўлади ва шу билан бирга бу иқтисодий ночорлик соҳасида кичик риск бўлиб кўринади.

Ҳозирги шароитда иқтисодиётни ривожлантиришнинг бош вазифаси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, шу жумладан, миллий ва халқаро бозорларда корхоналарнинг барқарор ўринларни эгаллаши ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти фаолияти ўз-ўзини молиялаштириш, ўз молиявий ресурслари етмаган тақдирда молиявий ресурсларни жалб қилиш бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун корхоналарнинг молиявий барқарорлиги қандай эканлигини билиш лозим. Молиявий барқарорлик кўпинча капитал таркиби сифатида аниқланади, аниқроғи корхона жами капиталининг ўзлик ва жалб қилинган маблағлари ҳиссаси сифатида қаралади.

Корхоналарнинг молиявий барқарорлиги даражаси инвесторлар ва кредиторларни корхонага капитал қўйилмаларни қўйиш бўйича қарорларни қабул қилишда қизиқиш уйғотади. Шунинг учун корхоналар молиявий барқарорлигини бошқариш масаласи корхоналар учун долзарбдир.

Ушбу рисоланинг мақсади Самарқанд шаҳар корхоналарининг молиявий кўрсаткичлари асосида унинг молиявий барқарорлиги ва тўловга лаёқатлилигини таҳлил қилиш ва молиявий барқарорлик ва тўловга лаёқатлилиқни мустаҳкамлаш йўллари аниқлаш бўлиб ҳисобланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

1) корхоналар молиявий барқарорлиги ва тўловга лаёқатлилиги баҳолашнинг назарий асосларини ўрганиш, шу жумладан, “молиявий барқарорлик” ва “тўловга лаёқатлилиқ” тушунчаларига таъриф бериш;

2) корхона молиявий барқарорлиги ва тўловга лаёқатлилиги таҳлилинини ўтказиш, жумладан, корхона фаолиятига иқтисодий тавсиф бериш, молиявий барқарорлик ва тўловга қобилликни баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоблаш;

3) корхонанинг молиявий барқарорлиги ва тўловга лаёқатлилигини баҳолаш, уларни мустаҳкамлаш йўллари аниқлаш.

1. Корхоналарда молиявий барқарорлиги тушунчаси ва моҳияти

Молиявий барқарорлик – бу корхона молиялаштириш манбалари таркибида ўз маблағлари етарли ҳиссасини таъминловчи молиявий ҳолати барқарорликдир. Ўз маблағлари етарли ҳиссаси молиялаштиришнинг жалб қилинган манбалари тўлиқ ва ўз вақтида қайтарилишини таъминлашда фойдаланилишини англатади. Қисқа муддатли мажбуриятлар нуқтаи-назаридан қараганда улар тез айланувчи активлардан ошмаслиги керак. Бунда тез айланувчи активлар – бунда ҳамма айланма активларни киритиб бўлмайдик, улар йўқотишларсиз тезда пулга айлана оладиган маблағлардир. Тез айланувчи активлар таркибида товар-моддий бойликлар ва тугалланмаган қурилиш киритилади. Уларнинг пул айланиши мумкин бўлган ҳолат, агар уни тўхтатиш корхона узлуксиз фаолиятини тўхтатишдир. Бу ерда фикр корхоналар ҳақиқий фаолиятида пулга тез айланадиган активлар ҳақида бормокда. Бунда пул маблағлари ва молиявий қўйилмалардан ташқари дебиторлик қарзлари ва сотишга йўналтирилган тайёр маҳсулот захираларига ҳам тегишлидир.

Молиявий таҳлил молиявий менежмент ва аудитнинг мавжуд элементи ҳисобланади. Корхоналар молиявий ҳисоботларидан ҳамма фойдаланувчилар ўзларининг қизиқишларини оптималлаштириш бўйича қабул қилинган қарорларини молиявий таҳлил қилиш методларидан фойдаланадилар.

Молиявий таҳлилнинг асосий мақсади корхонанинг молиявий ҳолатини, унинг фойдалалик ва зарарлик ҳолатини акс эттирувчи, активлар ва пасивлар таркибида ўзгаришлар, дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни ўзида акс эттирувчи ва ахборот берувчи параметрлар ҳисобланади. Бунда таҳлилчилар ва молиявий менежерлар корхонанинг жорий молиявий ҳолати ва шу билан бирга истикболдаги кутилаётган молиявий ҳолатини акс эттирувчи мақсадлари билан қизиқишлари мумкин.

Иқтисодий мустақиллик шароитида хўжалик субъектлари ҳамма вақт ўзларининг ташқи мажбуриятларини тезроқ қайтара олиш имкониятига эга бўлишлари, аниқроғи тўловга лаёқати ёки қисқа муддатли мажбуриятларни тезроқ қайтара олишлари, аниқроғи ликвидли бўлишлари керак.

Корхона ликвидлиги дейилганда ўз мажбуриятларини активлари билан қоплаш қобиллиги, мажбуриятларни сўндириш муддатининг пул шаклида айланиши муддатига мослиги тушунилади. Ликвидлик корхонанинг шартсиз тўловга қобиллигини англатади ҳамда активларва мажбуриятлар ўртасида қуйидагича доимий тенгликни тақлиф этади:

- жами сумма бўйича;
- активларнинг пул айланиш муддати ва мажбуриятларни сўндириш муддатлари бўйича.

Корхоналар молиявий барқарорлигига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- товарлар бозоридаги корхонанинг ўрни;

- арзон, сифатли ва бозордаги талабнинг қондирилишини акс эттирувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

- молиявий ҳамкорликда унинг салоҳияти;

- ташқи кредиторлар ва инвесторлар олдидаги қарамлилик даражаси;

- тўловга лаёқатли бўлмаган дебиторларнинг мавжудлиги;

- молиявий-хўжалик операцияларнинг самарадорлиги ва ҳ.к.

Бундай кўринишлари бўйича омиллар турлича бўлиши мумкин. Омиллар корхоналарда қуйидагича бўлиши мумкин: таъсир этишига кўра – ички ва ташқи, умумий, молиявий.

1. Ички барқарорлик – бу корхона фаолиятини натижаларини юқори барқарор қилиб таъминладиган умумий молиявий ҳолатидир. Унинг асосида ўзгаришларга ички ва ташқи омилларни фаол таъсир қилиш тамойили ётади.

Корхонанинг ташқи барқарорлиги фаолият кўрсатиш доирасида иқтисодий муносабатлар ўртасидаги барқарорлик сабаб қилиб кўрсатилади. У бозор иқтисодиётини бошқаришга мос тизимга мос келади.

2. Корхонанинг умумий барқарорлиги – бу корхонада тушумларнинг (даромадларнинг) сарфлардан (харажатлардан) доимий ошишини таъминладиган пул оқимлари ҳаракатидир.

3. Молиявий барқарорлик харажатлардан даромадларнинг барқарор ошишини акс эттиришни англатади. У корхонада пул манбаларининг эркин ҳаракатини ҳамда ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар сотиш узлуксиз жараёнларидан самарали фойдаланиш йўллари таъминлайди. Шунинг учун молиявий барқарорлик барча ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти жараёнларида шаклланади ва корхона умумий барқарорлигининг бош компоненти ҳисобланади.

Корхона молиявий барқарорлигининг таҳлили корхонада қуйидаги саволга жавоб беришга ундайди: корхона олинган давр давомида ўтган даврга нисбатан молиявий ресурсларни қандай бошқара олди. Муҳими, молиявий ресурслар ҳолати бозор талабларига жавоб берсин ва корхона учун молиявий ресурслар талабига мос келсин.

Тўловга лаёқатлилиқ – бу тўлов характеридаги савдо, кредит ва бошқа операциялардан чиқадиган тўлов мажбуриятларини ўз вақтида тўлиқ бажариш қобилиятидир.

2. Корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашда бюджетлаштиришнинг ўрни

Корхона молиявий барқарорлигини таъминлашда аввало молиявий режалаштириш, жумладан бюджетлаштиришнинг ўрни каттадир. Ҳозирги кунда фаолият олиб бораётган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект учун рақобатбардош, арзон, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва шу орқали бозорда ўз ўрнига эга бўлиш ҳамда юқори даражада даромад олишга эришиш асосий мақсад ҳисобланади. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект пухта ишлаб

чиқилган стратегик режаларсиз ўзининг мақсадига эриша олмайди. Бу эса ўз навбатида олдиндан режалаштирилган ҳолда фаолият олиб боришни талаб қилади. Молиявий-иқтисодий инқироз корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш,хизмат)ларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Корхоналар фаолиятини бюджетлаштиришда ушбу салбий таъсирларни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Жорий ва узоқ муддатли режалар ишлаб чиқиш бошқарув ҳисобини бюджетлаштириш орқали амалга оширилади.

Бюджетлаштириш корхоналар олдида қўйган мақсадлари ва режаларини энг аниқлашган шакли ҳисобланади. Корхона бюджети корхонада фаолият олиб бораётган етакчи ҳамда малакали мутахассислар томонидан тузилиши лозим. Аниқ ва пухта ишлаб чиқилган бюджетлар корхона бошқарувини энгиллаштириш билан бирга келажакда ривожланишини таъминлайди. Ҳар бир корхона ҳоҳлаган ўлчов бирликларидан ҳамда шаклларида фойдаланган ҳолда ўзининг бюджетини тузиши мумкин.

Бюджет маълумотлари ички ахборотдан фойдаланувчиларга мўлжалланган бўлиб, тижорат сири ҳисобланади.

«Корхона фаолияти илгари ҳам бюджетлаштирилмасдан олиб борилган ёмон натижаларга эришилмаган, ҳозирда корхона фаолиятини бюджетлаштириш шартми» деган савол туғилиши мумкин. Иқтисоди ривожланган мамлакатларда фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилотларга эътибор қаратадиган бўлсак, улар ўзининг фаолиятини жорий ва стратегик бюджетлар асосида амалга оширади. Корхона ва ташкилотлар ўзининг имкониятлари доирасида жорий ва стратегик бюджетлар тузади. Корхоналар узоқ ва қисқа муддатли активлардан ҳамда молиявий ресурслардан самарали фойдаланишга бюджетлаштириш орқали эришадилар. Бюджетлар ишлаб чиқилганидан сўнг корхона бошқарувида ушбу бюджетларни бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатилади. Жорий ва молиявий бюджетни тузишдаги маълумотлар манбаи қуйида акс эттирилган:

Тузилган шартномалар, ўтказилган маркетинг тадқиқотлари асосида сотиш бюджети маълумотлари шакллантирилади. Тижорат харажатлари, ишлаб чиқариш бюджети эса сотиш бюджетидан маълумот олади.

Материал хариди бюджети, меҳнат сарфи бюджети, умум ишлаб чиқариш харажатлари бюджети ишлаб чиқариш бюджетидан маълумот олади.

Маъмурий ва бошқарув харажатлари бюджети бошқарув ходимлари томонидан қабул қилинган қарорлар асосида шакллантирилади.

Кутилаётган молиявий ҳисобот эса сотиш бюджети, тижорат харажатлари бюджети, маъмурий ва бошқарув харажатлари бюджети, умум ишлаб чиқариш харажатлари бюджетидан маълумотлар олади. Шу билан корхона тўлиқ жорий бюджетлаштирилган ҳисобланади.

Капитал қўйилма харажатлари бюджети бошқарув ходимлари томонидан қабул қилинган қарорлар асосида шакллантирилади. Пул маблағлари оқими бюджети ҳамда кутилаётган бухгалтерия баланси барча бюджет

маълумотларидан фойдаланган ҳолда бюджетлаштирилади. Молиявий бюджет шу билан якунига етади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бюджетлаштиришнинг ҳар бир босқичини тузишга жиддий ёндошилса, ҳамда бюджетларни ишлаб чиқишда таъсир кўрсатувчи омилларнинг барчаси эътиборга олинса корхоналар истиқболи тўғри белгиланган ҳисобланади. Ҳар бир бюджет тури бир-биридан келиб чиққан ҳолда тузилишини ҳисобга оладиган бўлсак, бюджетлаштиришда йўл қўйилган биргина хато корхоналар фаолиятининг нотўғри режалаштирилишига олиб келади.

3. Корхоналар молиявий барқарорлиги инновацион тараққиёт жараёнларига таъсири

Молиявий барқарорликнинг ортиқча соддалаштириб аниқланиш ҳолатлари К.Макконнелл ва С.Брюнинг «Экономикс» китобида ўз аксини топган. Айнан шу ишда молиявий барқарорлик омилларига нисбатан миқдорий ёндашув аниқ фойдаланган. Жумладан, унда ҳақиқатда молиявий барқарорлик етарлича даражада асосланмаган бўлса-да қуйидаги аниқланиш келтирилган: «Иқтисодий ўсиш назариясига келганда, унинг асосий муаммоси қуйидагича шакллантирилади»; «Тўлиқ бандлик шароитида ишлаб чиқариш қувватлари ёки ялпи миллий маҳсулот ҳажмини қандай қилиб кўпайтириб бориш мумкин?»¹.

Шунга мос равишда молиявий барқарорликни ҳисоблаш ҳам соф миқдорий ўлчамларга келтирилади. Таъкидлаб ўтилган ишда молиявий барқарорликни иқтисодий ўсиш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда аниқлаш ва ҳисоблашнинг ҳақиқатда фақат иккита ўзаро боғлиқ ҳолда ажратиб кўрсатилган;

⇒ маълум вақт оралиғида реал ялпи ички маҳсулотнинг кўпайиши сифатида;

⇒ маълум вақт оралиғида реал ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон боши ҳисобига кўпайиши сифатида.

Бундай ёндашув билан бирга савол шаклидаги қўшимча тушинтиришдан ҳам фойдаланади; нима учун иқтисодий ўсиш ўз-ўзича иқтисодий ривожланиш, иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим мақсади сифатида қаралади? Жавобнинг мазмуни энг аввало, аҳоли жон боши ҳисобига ялпи миллий маҳсулотнинг кўпайиши турмуш даражаси ошганлигини билдириши, бюджет профицитини кузатилиши эса ташқи қарзларни пасайишини кўрсатишдан иборат.

Реал маҳсулот ҳажмининг ўсиши моддий мўл-кўлчилик учун асосни кўпайтиради ва иқтисодий ривожланишнинг молиявий харажатларини энг кам даражага келтириш (минималлаштириш) қондасининг рўёбга чиқарилишини билдиради. Бир сўз билан айтганда, ўсиб боровчи иқтисодиёт эҳтиёжларни молиявий ресурсларга бўлган талабини қондириш ва ижтимоий-маданий

¹ Макконнелл К.Р., Брю С.Л.. Экономикс. В 2 Т. - М.; «Республика», 1992. Т.1. С.380.

тадбирларни ҳал қилишнинг катта лаёқатига эга бўлади. Булардан ташқари, молиявий барқарорлик жамият ихтиёридаги мавжуд ресурслар чекланганлиги каби мураккаб умумиқтисодий муаммоларни ҳал қилишни енгиллаштиради. Бошқача айтганда мантиқий вазият кўп жиҳатдан унчалик мураккаб эмас. Молиявий барқарорлик қанчалик жадал бўлса, миллий иқтисодиёт олдида турган барча вазифаларни ҳал қилиш учун шунча катта молиявий потенциал мавжуд бўлади. Бизнинг фикримизча, бундай тасдиқлаш фақат чекланган молиявий ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш вазифаси ҳал қилинган, хўжалик тизими бир меъёردа ва барқарор ишлайдиган иқтисодий тизимлар учун мувофиқ келади.

Молиявий барқарорлик ва миллий иқтисодий потенциали ўзаро боғлиқлигининг тўғрилиги шак-шубҳасиз аниқ ва шубҳаларга берилмайди. Амалий нуқтаи назардан эса у фақат инвестициялар ва молиявий барқарорликнинг боғлиқлиги нуқтаи назардан тасаввур қилинади. Албатта, инвестицион фаоллик молиявий барқарорликнинг энг муҳим шарт-шароитларидан бири ҳисобланади, лекин бунда у тўлиқ аниқловчи эмас. Инвестицияларнинг молиявий барқарорлик жараёнидаги ролини махсус қараб чиқиш мақсадга мувофиқ, аммо буни молиявий барқарорлик тушунчасининг асосий мазмуни очиб берилгандан кейин амалта ошириш лозим.

Шундай қилиб, юқорида зикр қилинганларни жамлаб, хулоса чиқариш мумкин. Молиявий барқарорлик ўз мазмунига кўра иқтисодий-молиявий тизимлар қисмлари яхлитлигининг шундай даражасини акс эттириши зарурки, унинг фарқ қилувчи сифат белгиси ривожланишининг реал жараёнини ва потенциалини аниқлаш ҳисобланади. Бундай ёндашув миллий иқтисодий тизимлар ривожланиши хусусиятлари бўйича фарқларни қўшимча тадбиқ қилишга ёрдам беради.

Ўз-ўзидан маълумки, Ўзбекистон учун ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратиш муҳим ҳисобланади. Шундай экан, молиявий барқарорлик фойдаланадиган чекланган иқтисодий-молиявий ресурслар самарадорлигини оширишни таъминлаш зарур. Бу фақат харажатлар қисқариб борганда, ишлаб чиқариш натижаларини максималлаштиришни таъминлайдиган тармоқлар фойдасига чуқур таркибий ўзгаришлар рўй берган шароитида реал бўлиб ҳисобланиши мумкин. Шу сабабли, Ўзбекистон миллий иқтисодиётида молиявий барқарорликнинг мазмунини фақат бир миқдорий тавсиф билан чеклаш мумкин эмас. Унга ялпи миллий маҳсулотни яратиш ва ундан фойдаланиш жараёнида рўй берадиган таркибий ўзгаришлар таъсири орқали қараш зарур.

Республика Президенти И.А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, «макроиқтисодий нисбатлар, инфляцияни пасайтириш, пул ҳажмини ва давлат бюджети тақчиллигини чеклаш - буларнинг барчаси бозор механизмига амал қилишнинг, иқтисодий, молиявий барқарорликнинг ва собитқадамлик билан

ўсишнинг муқаррар, энг муҳим шартидир»². “Агар, кейинги вақтда йилдан-йилга инфляция даражаси пасайишига нақд пул эмиссияси ҳажмининг қисқаришига ва бюджетни ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3,0 фоиздан ошмайдиган тақчиллик билан бажаришга эришаётганлиги ҳисобга олинса”³, ислохотларнинг ҳозирги босқичида асосий эътибор қатор макроиқтисодий пропорцияларга қаратилиши зарур. Энг аввало, бюджет профицитига⁴, бу, ўз навбатида тегишли омилларни аниқлашни тақозо қилади. Ҳар бир миллий иқтисодиёт ўзининг махсус молиявий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш омиллари тўпламига эга бўлади. Бу масалани ёритишда, дастлаб чет эл иқтисодий фанида қўлланилган ёндашувларга эътиборни қаратиш талаб этилади.

Мазмундор мисол сифатида ривожланиш (иқтисодий ўсиш) нинг юқори ривожланган миллий хўжаликлар тизимига хос бўлган муаммоларига тўхталиб ўтиш ҳам муҳимдир. Бу ҳолатларни ажратиб кўрсатиб, республика миллий иқтисодиётини ривожлантириш хусусиятлари билан боғлиқ равишда мазкур муаммолар бизнинг олдимизда ҳам туришини ҳисобга оламиз.

Республика иқтисодиёти олдида турган муаммолар нуқтаи назаридан тан олиш керакки, ҳозирги замон йирик корхоналарининг ўзи жорий юз йилликнинг иккинчи ярмида илғор мамлакатларда шиддатли иқтисодий ўсишнинг натижаларидан биридир. Шундай қилиб - корхоналарнинг самарали фаолият қилиши-бу бир вақтнинг ўзида молиявий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг омили ва натижасидир.

Корхоналарнинг ривожланиши ва молиявий барқарорлик ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш энг муҳим ва қизиқарли назарий масалалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда халқаро характерга эга бўлган йирик корхоналар 40 фоизгача саноат ишлаб чиқаришини ва жаҳон ташқи савдосининг ярмидан кўпроғини назорат қилмоқда. Фақат 300 та энг йириклари жаҳон активларининг 1/4 қисмидан кўпроғини, ҳукмрон мавқеига эга бўлган 100 та трансмиллий корпорациялар чет эллардаги тўғридан-тўғри олинган капитал қўйилмаларнинг деярли 90 фоизини назорат қилади. БМТ Маркази тадқиқотчилари трансмиллий корпорациялар бўйича худди шундай хулосага келган бўлиб, бу уларнинг IV хабарномасида ўз аксини топган. Кўрсатилган хабарномада БМТ мутахассисларининг трансмиллий корпорацияларининг жаҳон иқтисодий ривожланишидаги ролини қайта баҳолаш вақти келди, деган фикри келтирилган. Буни тўғри англаш бир қатор ҳал қилувчи йўналишларга эришиш мумкин бўлади. Бизнинг муоммоларимиз нуқтаи назаридан улардан энг муҳимлари, биринчидан, бозор рақобати қонуниятларининг ўзгариши, иккинчидан, йирик корпорациялар активларини жаҳон иқтисодининг

² Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.- Т.: Ўзбекистон, 1998.- 369 бет.

³ Каримов И.А. Барқарор тараккиётга эришиш - устувор вазифа. //«Халқ сўзи» 1998 йил 26 февраль. №41.

⁴ Ҳозирги кунда бюджет тақчиллиги 2008 йилдан бошлаб кузатилгани йўқ. Бюджет профицити ЯИМга нисбатан 0,3%ни ташкил этиб келмоқда

технологик жиҳатдан энг такомиллашган секторларига тўпланиши ҳисобланади.

Корпорациялар устувор мавқеига эга бўлган иқтисодиёт - бу эркин рақобат асосида ривожланадиган классик бозор иқтисодиёти эмас. 50-йиллар охирларида чет элларда анча муҳим тадқиқотлар пайдо бўлиб, уларда корпорациялар иқтисодий муносабатларнинг бутунлай янги тизими сифатида тассавур қилинади. Корпоратив иқтисодиёт учун баҳоли рақобат ўз ўрнига эга эмаслиги, баҳолар барқарорлиги ва қайд қилинганлиги характерли бўлиб, улар кўп жиҳатдан маъмурий тартибда ўрнатилади. Натижада, А.Смитнинг машҳур «кўринмас кўллари» ўрнига бошқа “корпоратив кўринмас кўллари” алмашилиши тўғрисида хулоса чиқарилади. Албатта, масаланинг бундай қўйилишига ҳамма ҳам бир хил фикрда эмас, жумладан, охириги ўн йилликларда монетаризм деб номланувчи оқим вакиллари мавқеининг кучайиши бундан гувоҳлик беради. Улар учун эркин рақобатни ҳар қандай тартибга солишни чеклаш талабига қаратилган қарашлар характерли.

Шу билан бирга, корпорацияларнинг тизим ташкил қилувчи роли ва уларнинг янги илғор технологияларни ўзлаштириш соҳаларида пайдо бўлишининг аҳамиятини амалда барча тадқиқотчилар ижобий баҳолайди. Молиявий барқарорлик муаммолари нуқтаи назаридан қараб чиқилганда буларнинг барчаси нимани англатади? Фикримизча, анча илғор мамлакатларда молиявий барқарорликни янада равноқ топтириш биринчи навбатда йирик корпорациялар, уларнинг мақсадга мувофиқ инвестицион сиёсати билан боғлиқ бўлмоғи лозим. Уларнинг фаолиятини уйғунлаштириш кўпгина давлат воситачилигида амалга оширилиши ҳам мумкин бўлади.

Бу масалада нафақат соф назарий синчковлик ўз ифодасини топган. Бизнинг республикада корхоналарни молиялаштириш масалаларини ҳал қилишда, бу соҳадаги умумжаҳон тамойилларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Айниқса, ислохотлар жараёнида миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги тизимига изчил интеграцияси вазифаси, жумладан, чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш йўли билан ҳал қилинишига эҳтиёж туғилганда.

Чет эл иқтисодий фанида жуда кенг мунозарага эга бўлган бошқа муаммо - бу молиявий барқарорликнинг меъёрлари масаласидир⁵. Биринчидан, молиявий барқарорлик асосида ётувчи саноатлаштириш ва техника тараққиёти, муқаррар кўп миқдордаги зарарли моддаларнинг ташкил топишига олиб келиши таъкидланади. Ишлаб чиқариш ривожланиб бориши билан улар ишлаб чиқариш ва маиший чиқитлар кўринишида атроф мухитга, тупрокқа, сув манбаларига чиқариб ташланади. Натижада инсонлар ҳаёт кечириш мухити бўлган биосфера ўзининг ўлчамларини ўзгартиради ва у аста-секин инсоният жамияти учун яроқсиз ҳолга келиб қолади.

Молиявий барқарорликнинг ҳозирги шароитида фан-техника тараққиёти таъсир остида автоматлаштириш ва инновацион техникасини қўллашнинг

⁵ Рузавин Г.И. Основы рыночной экономики. – М., 1996г., С.374-377.

жадал ривожланиши ишчи ўринлари сонини қисқартириши тўғрисидаги тасаввурлар айнан шу муаммо билан мустаҳкам боғланган. Демак мазкур жамиятда ишсизлар сони ортади. Бу тамойил чуқур ижтимоий из қолдиради, чунки кўплаб ишчиларнинг ўз меҳнатлари таклифи учун жой қолмаслиги, жамиятда эртанги кунга хавотирланиб қарашни кучайтиради.

Юқорида келтирган далиллардан шунчаки эътибор бермасдан ўтиб кетиш мантиқий жиҳатдан нотўғри бўлар эди. Улар диққат-эътибор билан қараб чиқилиши зарур. Бизнинг тасаввуримизча, молиявий барқарорликга қарши бу далиллар, улар билан боғлиқ равишда келиб чиқадиган муаммолар, умумий иқтисодий қонуниятлар билан эмас, балки хўжалик ривожланиш даражасида ифодаланган миллий иқтисодиёт хусусиятлари билан боғлиқлигини кўрсатади.

Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, Ўзбекистон, улкан табиий хом ашё потенциалига эга бўлиб, бу ерда Менделеев даврий системасининг барча элементлари топилган. Умумий хом ашё потенциали 3.3 триллион АҚШ долларида ортиқ баҳоланади. Бунда мавжуд стратегик ресурслар-нефт ва газ конденцати, табиий газ, қимматли металлар ва бошқа шу қабилар алоҳида рол ўйнайди. Уларнинг кўпчилиги бўйича Ўзбекистон дунёда етакчи ўринни эгаллайди.

Инсон салоҳияти (аҳолининг саводхонлиги 99 фоиздан юқорилиги), фан ва илмий инфраструктуранинг ривожланиш даражаси бўйича, Ўзбекистон иқтисодий тараққий этган мамлакатлар билан бир қаторда туради. Шундай қилиб, таклиф омиллари ичида нисбатдан кўпроқ чеклангани ва ривожланишни тутиб турувчиси мавжуд асосий капитал ва капиталлашган бойликлар етарли эмаслиги ҳисобланади. Уларни маълум даражада нафақат таклиф, балки талаб омиллари сифатида ҳам қараб чиқиш лозим. Шу сабабли, технологик ускуналарнинг ҳозирги даврдаги ролини, унинг чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигига таъсирини ҳисобга олиб, жамғарилган капитал ускуналарни талаб томонидан қараб чиқилса анча тўғри бўлади. Бунинг тасдиғи сифатида, молиявий барқарорликни таъминлаш учун қандай омиллар энг аҳамиятли ҳисобланишига бағишланган ҳозирги замон тадқиқотлари натижаларини мисол қилиб келтириш мумкин. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, фақат ялпи сарфлар тўлиқ бандликни ушлаб туриш учун етарлича бўлиб, қўшимча молиявий ресурслар маҳсулот чиқаришнинг максимал имкониятини таъминлайдиган қилиб тақсимланганда ҳақиқий молиявий барқарорликка ва иқтисодий ўсишга эришилади. Бундай мақсадли йўл тутишда қуйидаги натижалар энг характерли бўлиб қолади.

Бир қатор ғарб иқтисодчиларнинг амалга оширган, тажрибаларидан келиб чиққан тадқиқотлари шуни кўрсатадики, меҳнат унумдорлигининг ортиши нафақат иқтисодий ўсишга, балки бир вақтнинг ўзида молиявий барқарорликка ҳам энг кўп таъсир кўрсатади. Унинг улушига ўсиш суръатининг тахминан 70% тўғри келади, меҳнат сарфлари улуши қолган 30% ни ташкил қилади. Турли мамлакатларда бу рақамлар кўрсатилган миқдорлар атрофида тебранади.

Аксинча, кам ривожланган мамлакатларда нисбатан унча катта бўлмаган иқтисодий ўсишга кўп жиҳатдан меҳнат сарфлари ҳисобига эришилади⁶. Инвестицияларга бундай кенг маънода ёндашишда у молиявий барқарорликнинг манбаи сифатида тасаввур қилинади. Бундай ёндашишда инвестицион ресурсларидан фойдаланиш фаоллиги муаммоси кўтарилади ва бу Кейнс даврида «мультипликатор самараси» номи билан машҳур бўлган инвестицияларнинг ажойиб хусусиятида ўз ифодасини топади.

Молиявий барқарорлик ҳолати рақобат муҳити таъсиридан ўзгаради. Рақобатга лаёқатлилининг асосий ўлчамларини энди ривожланаётган ёки миллий иқтисодиёти ўзгаришларга учраётган мамлакатлар эмас, балки ўзларининг иқтисодий ўсишдаги муаммоларни учинчи дунё мамлакатлари ўсиб боровчи бозорлари билан боғланган, саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатлар белгилаб беради. Улар ялпи талабнинг ўсишини ўзларининг миллий ёки биргаликдаги ишлаб чиқаришлар томонидан билдирилган таклиф билан мос равишда тўлдиради. Булардан ташқари, агар молиявий барқарорлик муаммоларига ёндашиш ҳақида гап кетганда, унинг омилларини баҳолашга ёндашишининг ўзгариши каби далилларга алоҳида тўхталиб ўтиш ҳам зарур бўлади. Умуман омилларни ўрганишга ёндашув одатига асосан иккита-экстенсив ва интенсив мезонлар бўйича амалга оширилади.

Шундай қилиб, миллий иқтисодиётнинг самарали тузилиши, нафақат молиявий барқарорлик мазмунига, балки унинг омилларига ҳам дахлдор бўлади. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг энг кескин муаммоларини ҳисобга олиб, бу иш доирасида нафақат ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўсиш муаммоларига, балки кутилган таркибий самарани таъминлаш мумкин бўлган молиявий барқарорликни молиялаштиришнинг хусусиятларига асосий эътибор қаратилиши лозим бўлади.

4. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархини пасайишига таъсир этувчи омилларни корхона молиявий барқарорлигини таъминлашдаги роли

Ишлаб чиқариш корхоналар бошқа тармоқларга нисбатан ўзига хос хусусиятлар, яъни айланма маблағларда захираларнинг захираларининг ва асосий воситаларда активларнинг юқорилиги, шунингдек ишлаб чиқариш ва молиявий циклнинг узоқлиги билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда йирик корхоналар фаолияти жадал ривожланмоқда, хусусан қайта ташкил этилган корхоналар ишлаб чиқариш салоҳияти кескин ошди.

Хусусан, корхоналарни молиявий барқарорлигига назарий ёндашувлар асосида қаралганда корхонанинг маҳсулот таннархини ҳисоб-китоб кўрсаткичлари ва коэффициентларининг таҳлили корхона активларининг

⁶ Рузанин Г.И. Основы рыночной экономики. - М., 1996 г., с.380.

таркиби, улардан фойдаланиш сифати ва молиялаш усуллари ўрганишга қаратилган бўлиб, бу корхонанинг тўлов қобилиятини, нобарқарор муҳитда унинг ликвидлиги ва барқарорлигини баҳолаш имконини беради. Таҳлил натижаларига таяниб, сармоядорлар, кредиторлар ва компания раҳбарияти иқтисодий вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашиусамарали диагностика тадбирларни ишлаб чиқиши мумкин.

Ҳисоб-китоб коэффициентлари тизимини шакллантириш ва уларнинг мазмунини аниқлаш корхонанинг молиявий ресурслари, уларни олиш манбалари, таркибидаги ва фойдаланишдаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда молия ресурсларининг таркиби корхонанинг ўзининг ва қарз маблағларининг ўзаро нисбатида намоён этилган бўлиб, улар ўз навбатида акциялар эмиссия қилиш, асосий фаолиятдан олинмаган пул маблағлари, шу жумладан соф фойда, амортизация ҳамда молия бозоридан олинмаган кредитлар ҳисобидан шаклланади. Шундай қилиб, молиявий ресурслар иқтисодий нуқтаи назардан ишлаб чиқариш маҳсулот таннархини пасайтиришни таъминлашнинг асосий манбалари ва воситалари сифатида иштирок этади. Корхонанинг иқтисодий фаолиятидаги омиллар ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш лозимки, улар ишлаб чиқариш таннархини пасайтиришнинг асосий ресурслари сифатида ҳам, унинг натижасига таъсир кўрсатувчи ҳаракатлантирувчи кучлар сифатида ҳам иштирок этади. Бошқача айтганда, ўзининг иқтисодий мазмунига кўра асосий манбалару таъминот воситалари, омиллар ва молиявий ресурслар бир-бирига ўхшаш ролларни ўйнайди, шу сабабли молиявий омиллар тизимини молиявий ресурслар ва улар манбаларининг йиғиндиси сифатида кўриб чиқиш ҳам муҳимдир.

Молиявий омиллар, биринчи гада, ишлаб чиқариш функциясини бажаради. Бу молиявий ресурсларни доимий равишда кўпайтиришдан иборат бўлиб, корхонанинг соф фойдасини кўпайтиришга, унинг рентабеллигини оширишга кумаклангади. Шунингдек ўз сармояси таркибида тизимни ҳосил қилувчи омил сифатида устав сармояси, қўшимча ва захира сармоя, тақсимланмаган фойда ва бошқа захиралар ҳисобга олинади. Ҳозирги шароитда устав сармояси молиявий ресурсларнинг бутун йиғиндиси таркибида ҳам, ўз маблағлари таркибида ҳам кичик салмоққа эга. Бундан ташқари, янгидан ташкил этилган корхоналарда одатда унчалик жозибали бўлмайди.

Қўшимча сармоя устав сармоясидан кейин корхона ўз маблағларининг иккинчи йирик пул фонди ҳисобланиб, у асосий фондларни қайта баҳолаш натижасида ҳамда эмиссия даромади ва беғараз олинган мол-мулк ҳисобидан шаклланади.

Асосий фондларни қайта баҳолаш натижаси сифатида қўшимча сармоя иқтисодиётдаги инфляция жараёнларини акс эттиради. Эмиссия даромади жойлаштирилган бозор нархининг уларнинг номинал нархидан (уларни сотиш харажатлари чегирма қилинган ҳолда) ортишини кўрсатади. Устав сармояси ва эмиссия даромадининг суммаси қўйилган сармоянинг бутун суммасини акс

эйтиради.

Демак, кўшимча сармоя, агар у эмиссия даромади нуқтаи назаридан кўриб чиқилса, корхона молиявий аҳволини яхшилаш ва маҳсулот таннархини пасайтириш манбаси ҳисобланади.

Молия ресурсларининг навбатдаги манбаси — бу жадал ривожланаётган корхона маблағларининг асосий манбаси ҳисобланган фойда. Балансда у «ҳисобот йилининг фойдаси» ва «ўтган йилларнинг ишлатилмаган фойдаси» сифатида, шунингдек фойда ҳисобидан ташкил этилган фондлар ва захиралар сифатида қатнашади. Айниқса, саноат корхоналарининг инқироздан чиқишида, ривожланиш асосан ўз ресурслари ҳисобидан таъминланган шароитда фойданинг жамғармалар манбаси сифатидаги роли ортади. Жамғармаларни шакллантириш, тегишли фондларни ташкил этиш ва тўлдириш фойдани тақсимлашнинг мақсадли функцияси ҳисобланади (чизма).


Молиявий ресурсларни тўлдиланади. Амортизация сиесати корхонага маҳсулот таннархини пасайтириш ва қушимча молиявий ресурсларни оширишга ёрдам беради. Агар жамғарилган амортизация фонди айланма сармоя сифатида фойдаланилса, эскирган сармоя қиймати бўйича қопланиб, аслида эса қопланмаслиги ҳам мумкин.

Бу шундан далолат бериб турибдики, молиялаш муаммоси нафақат молиялаш манбаларини қидириб топишдан, балки иқтисодиётнинг реал секторига тўғридантўғри инвестициялар молиявий манбаларидан мақсадсиз фойдаланиш амалиётига барҳам беришдан иборат.

Асосий фондларни янгилаш манбаларининг мавжуд эмаслиги кредитлар бўйича фоизларнинг юқори ставкалари билан мураккаблашади, шунинг учун ушбу турдаги молиявий ресурслар ҳисобидан янги жиҳозни харид қилиш кўп ҳолларда иқтисодий жиҳатдан фойдасиз бўлиб чиқади.

Шу муносабат билан аксарият корхоналарда молиявий дастак (қарз маблағларидан фойдаланган ҳолда фойдани ва ўз рентабеллигини ошириш имконияти)дан фойдаланиш имконияти қисқарган. Молиявий дастак самараси кредит учун тўловга қараганда кўпроқ миқдордаги фойдани олиш мақсадида қарз маблағларини жалб қилиш натижасида намоён бўлади.

Умуман олганда, молиявий дастакка қарз маблағларининг корхона даромадлилигига ва маҳсулот таннархига ҳар қандай таъсири, шу жумладан салбий таъсири ҳам киради. Шунинг учун ушбу молиявий омилдан фойдаланиш фақат мамлакат банк тизимидаги вазият барқарорлашган шароитда фойдали бўлиши мумкин.



Чизма. Қорхонанинг молиявий барқарорлигини аниқлаш омиллари

5. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналар молиявий барқарорлигини баҳолаш

Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсишини юқори суръатларда тараққий этиб бораётган кичик бизнес субъектлари фаолияти белгилаб бермоқда. Бундай шароитда корхоналарнинг узлуксиз молиявий барқарорлигини таъминлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Миллий хўжаликда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида йирик ишлаб чиқариш тармоқларини барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник-технологик жиҳатдан янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг кўламда жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Булар ўз навбатида, фаолият юритувчи корхоналарнинг молиявий барқарорлигига эришишни тақозо этади.

Мамлакатимиз иқтисодий фаолият юритаётган саноат корхоналарининг фойда кўриш мақсадида, бозор иқтисодий талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишини талаб этади. Зеро, биринчи Президентимиз И.А. Каримов: “Олдимизда турган биринчи ва асосий вазифа – бу изчил иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни мукамаллаштириш ва илғор технологиялар билан қайта қуроллантиришнинг бош шарти бўлган макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш муаммосидир”⁷ деб таъкидлаган эдилар.

Молиявий барқарорлик ва уни таъминлаш ҳамда уларни баҳолашга нисбатан ёндашувлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, молиявий барқарорлик ва уни таъминлашни илмий асослаш ва унинг кўрсаткичларини таснифлаш учун асосан ўрганилаётган объект (соҳа ёки тармоқ) ўзига хос хусусиятлари ва ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда ёндашишни талаб этади.

Молиявий барқарорлик ва уни таъминлашни мутлақ кўрсаткичлар тизимини заҳира ва харажатлар ҳажми ўртасидаги фарқ кўринишида юзага келадиган заҳира ва харажатларни шакллантирувчи маблағлар манбаларининг ортиқлиги ёки етишмаслиги сифатида умумий талқин этиш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви, бозор муҳитининг ноаниқлиги, кучли рақобат муҳити, ўзгарувчан талаб ва қонунчиликдаги ўзгариш ва янгиликлар корхона барқарорлигига узлуксиз таъсир кўрсатиб туради. Корхонанинг турли хусусиятдаги таъсирларга барқарорлиги келгусида унинг “яшаб қолиши” ва тараққий этишини белгилаб беради.

Корхоналар молиясида етакчи иқтисодчи олимлар ва мутахассислар корхоналарнинг барқарорлигини баҳолаш бўйича турли хил мезонларни ажратиб кўрсатадилар. Бу корхоналарнинг рақобатбардошлиги, ижтимоий муҳитдаги барқарорлиги, савдо жараёнини ташкил қилувчи техник воситалар

⁷ Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

билан жиҳозланганлиги, молиявий ҳолати, мослашувчанлик ҳолати, бошқарув самарадорлиги ва иш фаоллигидир.

Корхонанинг жорий давр учун барқарорлиги ноаниқликларнинг хавfli даражагача кўтарилиш хатарини пасайтиради.

Жорий барқарорликка ресурсларга бўлган жорий талаб ва уларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш имкониятлари ўртасидаги мувозанатга эришиш, ушбу мувозанатни маълум давр мобайнида сақлаб қолиш орқали эришилади. Бунда корхонанинг бозор сегментида фаолият кўрсатиши ва рақобат муҳитининг аниқ шарт-шароитларини шак-шубҳасиз эътиборга олиш муҳимдир. Бундан ташқари корхоналар фаолияти доимий равишда талаб ўзгариши таъсири остида бўлади.

Корхонанинг барқарорлигини таъминлаш қатъий чора-тадбирлар ёки вазиятли бошқарув ёрдамида амалга оширилмайди. Бу корхона фаолиятига боғлиқ бўлган турли ноаниқликларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш учун режали амалга оширилидагин комплекс вазифа ҳисобланади. Барқарорликни таъминлаш унга салбий таъсир кўрсатувчи ва барқарорсизликка олиб келувчи омилларга қарши туриш демакдир.

Муайян корхонани ташқи шароитлар ўзгаришига қарамасдан, раҳбариятнинг ўз ички алоқалар тизимини ва ҳаётий аҳамиятга эга муҳим жиҳатларини сақлаб қолишга имкон берувчи бошқарув даражасига эга бўлган тақдирдагина барқарор деб талқин этишимиз мумкин. Барқарор яшовчанлик ташкилот тизимининг молиявий ресурс, ливидлилик, бозорнинг барқарорлиги, рақобат муҳитидаги барқарорлики каби белгилар мажмуини ўзида акс эттиради.

Барқарорликни баҳолаш ташқи муҳит ўзгариши билан корхона ривожланишини прогнозлаш имконини берадиган жорий ҳолатни ифодаловчи сифат ва миқдор кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Барқарорликни баҳолашнинг асосий муаммоси – унинг даражасини тўғридан тўғри ифодаловчи ягона кўрсаткичнинг мавжуд эмаслигидир.

Иқтисодий жараёнлар нафақат корхона миқёсида, балки унинг ташқи муҳитида ҳам жуда хилма-хил, шу боис, замонавий иқтисодчилар уларни бир-бири билан боғлайдиган яхлит кўрсаткични ифодалаб бериш имкони йўқ деган хулосага келдилар. Корхонанинг барқарорлиги тўғрисида хулосага келиш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Агарда бундай кўрсаткичлар олдиндан маълум ва синаб кўрилган бўлса, баҳолаш ишларини ўтказишда таҳлил натижаларини таққослаш учун эталон кўрсаткичлар зарур бўлади. Бироқ бундай эталон кўрсаткичлар на амалиётда, на меъёрий ҳужжатларда мавжуд.

Барқарорлик даражасини баҳолаш корхона фаолиятини унинг функционаллиги, тузилмавий яхлитлиги, ташкилий тузилманинг белгиланган мақсад ва келгуси истиқбол учун мос келиши каби жиҳатларини комплекс таҳлил қилишга асосланмоғи лозим.

Барқарорлик мезони ва кўрсаткичлари сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- фаолият самарадорлиги;
- ресурс салоҳиятидан фойдаланиш даражаси;
- фойда олиш мақсадида қўлланиладиган ва талаб қилинадиган молиявий, товар ва бошқа ресурсларнинг балансланганлиги;
- фаолиятни амалга ошириш шароитларининг ўзгариб туришига тезкорлик билан мослаша олиш ва жавоб қайтариш имкониятининг мавжудлиги.

Фаолият самарадорлиги барқарорликни аниқлашда зарур мезон ҳисобланиб, унинг ёрдамида корxonанинг ривожланиш даражасини ва унга зарур бўладиган ресурсларни аниқлаш, уларни мавжуд имкониятлар билан ўзаро таққослаш, фаолият хусусияти ва мавжуд тўсиқларни аниқлаш мумкин. Корхона фаолиятининг умумий балансланганлиги, салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этилгач унинг динамик мувозанатига эришуви тўғрисида хулоса чиқаришни таъминлайди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлиги қуйидагилар билан характерланади:

- ташқи қарз манбаларидан молиявий мустақиллик;
- молиявий ресурслардан эркин ва самарали фойдаланиш борасида ХЮС нинг қобилияти;
- хўжалик фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган ўз маблағлари суммаларининг ХЮС да барқарор мавжудлиги⁸.

Корхона салоҳияти аксарият иқтисодчилар томонидан молиявий категорияга тааллуқли деб ҳисобланади. Чунки бунда барча маълумотлар молиявий ҳисоботгарни таҳлил қилиниши орқали олинади, бироқ барқарорликка баҳо бериш салоҳиятни аниқлашнинг бошқа усулларини қўллашни талаб этади.

Бизнингча, корхона барқарорлигини баҳолаш унинг бозор, инвестицион, ишлаб чиқариш, молиявий, энг муҳими инновацион салоҳияти ва ундан самарали фойдаланиш даражасини баҳолашни қамраб олиши зарур.

Корхона фаолиятининг хусусияти ва ташқи муҳитнинг ўзига хос жиҳатидан келиб чиқиб бошқа мезонларни ҳам қўллаш мумкин. Аслида барқарорликнинг барча мезонлари миқдор кўрсаткичлардан иборат бўлиб, корхона фаолиятининг асосий кўрсаткичлари динамикаси, турли коэффициентларнинг мутлоқ кўрсаткичи орқали шакллантирилади. Баҳолашнинг холис бўлиши учун мезонларнинг динамик хусусияти эътиборга олинади. Динамик барқарорликни баҳолаш учун эса қуйидаги параметр ва кўрсаткичлар мажмуидан фойдаланилади:

⁸ Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2010. – 250 б.

– **бозор барқарорлиги** – бозорда корхонанинг сотувлар сегменти сиғими, сотув сегментидаги улуши, таклиф қилинаётган товар ва хизматларнинг рақобатбардошлиги, касбий малакага эга маркетингларнинг мавжудлиги билан аниқланади;

– **ишлаб чиқариш, техник, технологик барқарорлик** – ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш билан изоҳланади;

– **молиявий барқарорлик** – корхонанинг молиявий маблағлар билан таъминланганлик даражаси;

– **инвестицион ва инновацион барқарорлик** – корхонанинг инновацион ривожланиш учун маблағларни жалб қилиш имконияти билан изоҳланади.

Барқарорлик шунингдек, нарх бўйича, молиявий, технологик, ташкилий ёндашув бўйича ҳам тавсифланади.

Умуман олганда барқарорлик корхонанинг рақобат муҳити шароитида қўлайдиган усуллари ҳам боғлиқ. **Ички барқарорлик** бошқарув фаолиятини моддий ресурслар жиҳатдан таъминлаб турувчи ташкилий тузилманинг мавжудлиги ва турли бўлинмаларининг рентабелликка эришиш учун барқарор ва юқори фойда олишни таъминлаш мақсадида турли функционал бўлинмаларнинг ўзаро алоқаси орқали вужудга келади. Ички барқарорлик корхона фаолиятидаги сезилмас даражадаги салбий белгиларнинг пайдо бўлишига тезкор жавоб қайтариш имконини беради.

Ташқи барқарорлик ташқи муҳит барқарорлиги ўзгаришига корхонанинг макроиқтисодий тартибга солиш ва маълум даражада азалдан сақланиб келаётган жавоб реакцияси орқали аниқланади.

Корхонанинг барқарорлигини таҳлил қилиш унинг барча элементларини қамраб олишни тақозо этади⁹.

Ишлаб чиқариш-техник барқарорлик корхонада ишлаб чиқариш ва уни ресурслар билан таъминлаш фаолиятининг барқарор цикли мавжуд бўлишини тақозо этади.

Тиждорат барқарорлиги корхонанинг иш фаоллиги, сотиш бозорида ўз улушига эга эканлиги, ташқи алоқаларнинг ишончилиги ва рақобатбардошлик салоҳиятининг мавжудлиги билан изоҳланади.

Ташкилий барқарорлик корхонанинг ташкилий тузилмаси, унинг элементлари, турли бўлим ва бўлинмалар ўртасида барқарор ва мустаҳкам алоқалар мавжудлиги билан изоҳланади.

Инновацион барқарорлик корхонанинг янги технологияларни жорий қилиш имконияти ва бунга тайёрлиги, янги турдаги маҳсулот ва хизматларни таклиф қила олиши билан изоҳланади.

Ижтимоий барқарорлик корхона ходимларининг ижтимоий жараёнларга интеграциялашуви ва муносабатининг мавжудлиги, жамиятда турмуш даражасини яхшилашга алоқадорлиги билан изоҳланади.

⁹ Корчагина Е.В. Проблемы конкурентоспособности в современной экономике // Проблемы современной экономики. 2005. № 3/4 (15/16)

Молиявий барқарорлик ўз маблағларини инвестиция шаклида йўналтириш, фаолият ва ишлаб чиқариш циклининг янги йўналишларини ташкил қилишни қўллаб-қувватлаш, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни молиялаштириш ва молиявий маблағлар билан таъминланганлик даражаси орқали изоҳланади.

Рақобатга асосланган иқтисодиёт корxonанинг молиявий барқарорлигининг аниқ чегараларини аниқлаб олишни тақозо этади.

Корxonанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун ресурсларнинг шундай даражаси талаб этиладики, бунда корxона ишлаб чиқариш харажатларини тўлиқ молиялаштиради ва барқарор тўловга қодирлик даражасини таъминлайди ва ривожланиш учун зарур маблағларни йўналтира олади. Бунинг учун корxона активларини ликвидлилик даражасига кўра гуруҳлаш ўтказилади. Молиявий ресурсларни шакллантириш корxonанинг фойдага эришиш имконини берувчи фаолияти билан узвий боғлиқ бўлиб, барча тўловларни тўлаш, мавжуд мажбуриятларни қоплаш ва шу билан бирга жорий ишлаб чиқариш ва капитал харажатлар учун маблағларни йўналтиришни кўзда тутди. Фойдани баҳолаш нафақат унинг миқдорига нисбатан, балки унга эришиш учун сарфланган харажатларга нисбатан ҳам амалга оширади. Бу ўз навбатида маблағлардан самарали ва оқилона фойдаланиш даражаси бўйича тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Барқарорлик бевосита ва ўзаро боғлиқ белгилардан иборат. Корxonанинг умумий ривожланиш даражаси унинг ички тузилмалар (бўлим ва бўлинмалар)ининг ривожланиш даражаси билан ўзаро боғлиқликда аниқланади.

Тижорат барқарорлиги таркибига маркетинг, бозор, кадрлар, ишлаб чиқариш ва технологик барқарорлик киради.

Корxonанинг кадрлар барқарорлиги деганда кадрлар таркибининг мавжудлиги, мутахассислар билан таъминланганлиги, ходимларнинг малакасини ва содиқлигини ошириш тушунилиб, ишлаб чиқариш жараёни ва унинг функция ва вазифалари ўзгариши билан кадрлар салоҳиятидан фойдалана олиш салоҳияти билан изоҳланади.

Техник-технологик барқарорлик корxonанинг савдо фаолиятини техник жиҳатдан таъминлаш имконияти, савдода технологик талабларни ишлаб чиқиш ва қўллаш, савдо техникаси соҳасида инновацияларни амалга ошириши билан изоҳланади.

Бошқарув барқарорлиги – корxонада самарали бошқарув ва бошқарув қарорларини қабул қилиш тизимини яратиш, амалдаги бошқарув тизимини шакллантириш, бошқарув тизими элементлари ўртасида самарали алоқаларни йўлга қўйиш ва уларни мувофиқлаштириш тушунилиб, бу тизимнинг корxона зарур рентабеллик даражасини таъминлашга имкон бериши билан изоҳланади.

Турли адабиётлар ва иш тажрибалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки. Аксарият раҳбарлар барқарорликнинг бир шаклини турли кўрсаткич ва

белгилар мажмуи бўйича шакллантириш ва барқарорликни таъминлашнинг комплекс тизимини яратиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Барқарорлик турларининг мажмуини шакллантиришда корxonанинг фаолият тури ва ташкилий тузилмасининг ўзига хослиги, бозор хусусияти, истеъмол талаби, ташқи муҳит ва барқарорликка таъсир кўрсатувчи омилларни эътиборга олиш лозим. Барқарорлик кўрсаткичлари бугунги кунда долзарб бўлган белги ва шартлардан ташкил топиши мақсадга мувофиқ.

Корxона барқарорлигини баҳолаш учун бир нечта турли ёндашувлар қўлланилади: анъанавий, ресурсли-бошқарув, ресурс ёндашуви, стохастик таҳлил асосида баҳолаш, тоқ кўпликлар назарияси ва бошқа турдаги ҳисоб усулларида фойдаланиш мумкин¹⁰.

Корxonанинг барқарорлигини мазкур ёндашувлар асосида таҳлил қилиш ушбу соҳада ҳам сезиларли муаммолар мавжуд эканлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, амалиётда барқарорлик кўрсаткичлари илгари қўлланилган коэффицентлардан қисман фойдаланиш, кўрсаткичлар динамикасининг юзаки ўрганилиги ва тузилмавий характерга эга эканлиги. Олиб борилаётган тадқиқотларнинг чуқурлигига келадиган бўлсак, мавжуд ҳолатни яхшилаш ёки ёмонлашувига олиб келиш бўйича прогноз кўрсаткичларини сабаб-оқибат таҳлилисиз ҳулоса берилади. Баҳолаш натижалари эса ишончсиз ёки ишончлилигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган маълумотлар асосида шакллантирилади. Солиқ органлари томонидан талаб қилинадиган аксарият ҳисобот шаклларида ва солиқ қонунчилигида ҳам нақд ва нақдсиз пул маблағлари ўртасида тафовутларни кўрсатиш, алоҳида ҳисобини юритиш масаласи кўриб чиқилмаган. Солиқ юкини оптималлаштиришга қаратилган тадбирлар корxона раҳбарларини айрим тадқиқотлар билан чекланиб қолишга, барқарорлик кўрсаткичлари эса Ўзбекистон бизнеси учун муҳим бўлмаган масалага айланиб қолмоқда.

Иқтисодий таҳлилнинг майда деталлаштирилган таҳлил усуллари барқарорликни ифодаловчи жуда кўплаб кўрсаткич ва мезонларнинг пайдо бўлишига олиб келдики, бу кўрсаткичлар корxonанинг реал ҳолатига зид натижаларин бериши, фақатгина “ахборот шов-шуви” вазифасини бажариши мумкин ҳолос. Кўрсаткичлар сонининг кўплиги эса тадқиқ қилинаётган кўрсаткичларнинг ўз функционал алоқалари нуктаи назаридан такрор ҳисобланиши, иккиланишига олиб келади. Таҳлилнинг таққослаш усулларида фойдаланиш учун эса фаолият турлари бўйича турли кўрсаткичларнинг меъёрий базасини яратиш ва уларнинг ўртача қийматини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Бундай кўрсаткичлар ва маълумотлар базаси бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд эмас. Хорижий мамлакатларда эса бундай кўрсаткичлар асосида корxonаларнинг барқарорлик кўрсаткичлари турли агентликлар томонидан мунтазам равишда рейтинги чоп этилмоқда. Чунки,

¹⁰ Ендовицкий Д.А., Ендовицкая А.В. Системный подход к анализу финансовой устойчивости коммерческой организации // Экономический анализ: теория и практика. 2005. № 6 (39)

савдо ташкилотларининг акциядорлари ва биржа брокерлари компанияларининг очиқ ва ишончли маълумотлар асосида барқарорлик кўрсаткичини аниқлашни талаб этмоқдалар.

Мазкур муаммолар ўз навбатида кўрсаткичларнинг бузиб кўрсатилишига, нарх индексларининг нотўғри ҳисобланишига ва ўз навбатида инфляция жараёнларининг ривожланишига олиб келмоқда¹¹.

Бизнингча, юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда корхоналарнинг барқарорлигини аниқ баҳолаш имконини берувчи муқобил кўрсаткичлардан қўшимча фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

¹¹ Шеремет А.Д. Теория экономического анализа: учебник. М., 2002.

Хулоса

Молиявий барқарорлик – бу корхона молиялаштириш манбалари таркибида ўз маблағлари етарли ҳиссасини таъминловчи молиявий ҳолати барқарорликдир. Ўз маблағлари етарли ҳиссаси молиялаштиришнинг жалб қилинган манбалари тўлиқ ва ўз вақтида қайтарилишини таъминлашда фойдаланилишини англатади. Қисқа муддатли мажбуриятлар нуқтаи-назаридан қараганда улар тез айланувчи активлардан ошмаслиги керак. Бунда тез айланувчи активлар – бунда ҳамма айланма активларни киритиб бўлмайдик, улар йўқотишларсиз тезда пулга айлана оладиган маблағлардир.

Корхоналарда бюджетлаштиришнинг ҳар бир босқичини тузишга жиддий ёндошилса, ҳамда бюджетларни ишлаб чиқишда таъсир кўрсатувчи омилларнинг барчаси эътиборга олинса корхоналар истикболи тўғри белгиланган ҳисобланади. Ҳар бир бюджет тури бир-биридан келиб чиққан ҳолда тузилишини ҳисобга оладиган бўлсак, бюджетлаштиришда йўл қўйилган биргина хато корхоналар фаолиятининг нотўғри режалаштирилишига олиб келади.

Иқтисодий таҳлилнинг майда деталлаштирилган таҳлил усуллари барқарорликни ифодаловчи жуда кўплаб кўрсаткич ва мезонларнинг пайдо бўлишига олиб келдики, бу кўрсаткичлар корхонанинг реал ҳолатига зид натижаларин бериши, фақатгина “ахборот шов-шуви” вазифасини бажариши мумкин ҳолос. Кўрсаткичлар сонининг кўплиги эса тадқиқ қилинаётган кўрсаткичларнинг ўз функционал алоқалари нуқтаи назаридан такрор ҳисобланиши, иккиланишига олиб келади. Таҳлилнинг таққослаш усулларида фойдаланиш учун эса фаолият турлари бўйича турли кўрсаткичларнинг меъёрий базасини яратиш ва уларнинг ўртача қийматини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Бундай кўрсаткичлар ва маълумотлар базаси бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд эмас. Хорижий мамлакатларда эса бундай кўрсаткичлар асосида корхоналарнинг барқарорлик кўрсаткичлари турли агентликлар томонидан мунтазам равишда рейтинги чоп этилмоқда. Чунки, савдо ташкилотларининг акциядорлари ва биржа брокерлари компанияларининг очик ва ишончли маълумотлар асосида барқарорлик кўрсаткичини аниқлашни талаб этмоқдалар.

Мазкур муаммолар ўз навбатида кўрсаткичларнинг бузиб кўрсатилишига, нарх индексларининг нотўғри ҳисобланишига ва ўз навбатида инфляция жараёнларининг ривожланишига олиб келмоқда.

Бизнингча, юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда корхоналарнинг барқарорлигини аниқ баҳолаш имконини берувчи муқобил кўрсаткичлардан кўшимча фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2016. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги 136-сон қонуни билан тасдиқланган) (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда).
3. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 6 б.
4. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
5. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.- Т.: Ўзбекистон, 1998.- 369 бет
7. Каримов И.А. Барқарор тараққиётга эришиш - устувор вазифа. //«Халқ сўзи» 1998 йил 26 февраль. №41.
8. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. – Т.: Fan va texnologiya, 2007. - 25-28 б.
9. Абулқосимов Х.Р., Хамраев О.Я. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 304-б.
10. Акрамов Э.А. Иқтисодий тараққиётнинг “Ўзбек модели” амалда. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2011.
11. Александров И.М. Налоги и налогообложение. Учебник. 7-е изд. – м.: Экономика, 2007. - с. 23
12. Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС, 2011. – 640 с.
13. Боймуротов С. Солиқ имтиёзлари ва уларнинг солиқ тўловчилар молиявий фаолиятига таъсири // Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби. – 2007. - № 8 (14). – 24 б.
14. Вахабов А., Разыкова Г. Модернизация экономики. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – с. 200.
15. Вахабов А.В. ва бошқ. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 372 б.
16. Вахабов А.В. ва бошқ. Молиявий саводхонлик асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Бактрия пресс, 2013. – 288 б.
17. Вахабов А.В., Санакулова Б.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 388-б.
18. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ, 2009
19. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия. Дарслик. – Т.: Ношир, 2011. – 712 б.
20. Евстигнеев Е.Н. Налоги и налогообложение. – СПб.: Питер, 2009. – с. 320.

21. Ендовицкий Д.А., Ендовицкая А.В. Системный подход к анализу финансовой устойчивости коммерческой организации // Экономический анализ: теория и практика. 2005. № 6 (39)
22. Зайналов Д., Саттаров Т. Проблемы обеспечения финансовой стабильности предприятий. Монография. – Т.: Шарк, 2011.
23. Зайналов Ж.Р., Расулов З.Ж., Ахроров З.О. Корхоналар молияси. Маърузалар матни. – Самарқанд: СамИСИ, 2016. – 160 б.
24. Ибрагимов Ғ.А., Якубов У.К. Ташқи иқтисодий фаолият таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 164-б.
25. Корчагина Е.В. Проблемы конкурентоспособности в современной экономике // Проблемы современной экономики. 2005. № 3/4 (15/16)
26. Лапуста М.Г. Малое предпринимательство: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2008.- с. 567
27. Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс. В 2 Т. - М.; «Республика», 1992. Т.1. С.380.
28. Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2010. – 250 б.
29. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия, 2002. - 166 б.
30. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. – Т.: Молия, 2009.
31. Миляков Н.В. Налоги и налогообложение. Учебник. 7-изд., перераб. и доп. – м.: Инфра, 2008. - с. 33
32. Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010.
33. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 392-б.
34. Рузанин Г.И. Основы рыночной экономики. - М., 1996 г.,с.380
35. Саидов Д., Қуллиев И. Пул муомаласи ва кредит. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 268-б.
36. Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. – Т.: Молия, 2012. – 97 б.
37. Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. – Т.: Fan va texnologiya, 2008. – 204 б.
38. Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э. Корпоратив солиқ менежменти. – Т.: Мумтоз сўз, 2010. – 104 б.
39. Хасанов Р. ва б. Реал сектор иқтисодиёти ва уни прогнозлаш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 192-б.
40. Ходиев Б.Ю., Карлибаева Р.Х., Расулов Н.М. Корпоратив бошқарув: Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2011. -301 б.
41. Ҳусанов Ғ. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т.: 2008
42. Шарп У.Ф., Александр Г.Ж., Бэйли Ж.В. Инвестиции: Пер. с. англ. – М.: ИНФРА-М, 2007. – 1028 с.

43. Шеремет А.Д. Теория экономического анализа: учебник. М., 2002
44. Шодибекова Д.А. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010. 280 б.
45. Эргашева Ш, Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. -Т.: Iqtisod-moliya, 2008. -208 б.
46. Юлдашев З., Халилова Х. Миллий ва жаҳон иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 320-б.
47. Юлдашев С. ва б. Молиявий менежмент. – Т.: Ворис, 2013
48. Интернет сайтлари:
[http: //www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)
[http: //www.mf.uz](http://www.mf.uz)
[http: //www.lex.uz](http://www.lex.uz)
[http: //www.stat.uz](http://www.stat.uz)

Самарқанд иқтисодиёт
ва сервис институти
Институт босмахонаси,
Шохрух кўчаси, 60

Буюртма № 27
Ҳажми 1,7 б.т.
Адади 50 нусха